



# O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 17-dekabr. Seshanba • 153 (31.743)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП Сайловолди  
дастури ижроси

## Коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш

аҳоли турмуш шароити янада  
яхшиланишини таъминлайди

ЎзХДП Сайловолди дастурида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб бориш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқлари барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида қатор вазифалар белгиланган.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП ҳаёти

## Ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш

ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиздир



2

## 2014 йил — Соғлом бола йили



**Фарзандларимиз биздан кўра  
билимли, кучли, доно ва албатта,  
бахтли бўлишлари шарт!**

”

Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш — ота-онанинг энг улғу, энг муқаддас орзуси, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

4

Муносабат

## Кўппартияли тизимнинг мустақамланиши

демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади

Кўппартияли тизимнинг шаклланишида 1996 йил қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун муҳим ўрин тутди. Унда сиёсий партиялар демократик қоидалар асосида фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар белгиланди. 2004 йилда қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун эса юртимизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг сайловларда тенглик асосида иштирок этишига шароит яратиб, уларнинг ваколатлари ва имкониятларини янада кенгайтди.

2

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

## Энг муносиблар сайланди

Мамлакатимизда 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунланди. Жиззах вилоятида ҳам мазкур ижтимоий-сиёсий жараён тенглик, муқобиллик ва демократия тамойиллари асосида уюшқоқлик билан ўтказилиб, 306 маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 минг 52 нафар маслаҳатчиси сайланди.

Бу галги сайловларда фуқаролар йиғини раислари муқобиллик асосида сайланди. Мавжуд 306 маҳалла фуқаролар йиғинига ишчи

гурӯҳлар томонидан муқобиллик асосида 956 нафар номзод тавсия этилди. 79 фуқаролар йиғинида сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Ҳар бир ҳудуднинг шароити ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда оқсоқол сайлаш учун яратилган имконият туфайли номзодларнинг лаёқат ва имкониятлари ошқор ва ҳолис баҳолангани сайловларнинг муҳим жиҳати бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг аксарияти биринчи марта сайланди.

Сайловларда ёш, янгича фикр-

лайдиган, билимли ва интилувчан номзодларни сайлашга алоҳида эътибор қаратилди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси маълумотига қараганда, сайланганларнинг қарийб ярми 35-50 ёшлилар экани эътиборга молик. Бу жараёнда хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Фуқаролар йиғини раислигига 36 нафар ташаббускор аёллар сайланди.

ЎЗА

## ЖАҲОН

чемпионатида

Ўзбекистонлик полвонлар умумжамоа ҳисобида иккита олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медалини қўлга киритди



4

## ГЛОБАЛ

муаммолар

ҳамжиҳатликда  
бартараф этилади

4

«Ўзбекистон овози» газетаси  
сайтида ўқинг

## Эзгу мақсад ва ғоялар

зиммамизга  
катта масъулият  
юклайди



## Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Сайловолди дастурида қишлоқ аҳолисининг уй-жой, маиший шароитларини янада юксалтириш бўйича қабул қилинган давлат қарорларининг самарали бажарилишини таъминлаш учун маҳаллий ва хўжалик бошқаруви органлари, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жавобгарлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.



## O'ZBEKISTON O'VOZI

— халма-хал фикрлар минбари,

Сизнинг минбарингиз!

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

ЎзХДП Касби туман кенгаши ташаббуси билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

# Ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш

ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиздир

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ҳамда партия Марказий Кенгаши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини билан ҳамкорликда ўтказган тадбир ана шу масалага бағишланди. Унда партия фаоллари, депутатлар, институтнинг профессор-ўқитувчилари, ёшлар иштирок этди.

— Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, ҳаётга янгича қарайдиган ёш авлодни тарбиялаш ҳар доим долзарб масала бўлиб келган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳафиза Каримова. — Президентимиз 2014 йилни «Соғлом бола йили», деб эълон қилгани замирида ҳам айнаш шу улғу мақсадлар мужассамдир.

Соғлом боланинг дунёга келиши, комил инсон бўлиб улғайиши кўпгина талаб ва омиллаларга боғлиқ. Давлатимиз раҳбари қабул қилинадиган дастурда таълим сифатини ошириш, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Бундай шарт-шароитда таълим олган ёшлар Ватанимиз тақдирини ва келажагини ўз масъулиятини ўз зиммасига олади.

Бу Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига киришида энг асосий омиллалардан бири, албатта.

— Ортимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини фарзандларимиз камалида, эришаётган ютуқларида кўриб турибмиз, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Аммо бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбиясида олдимизга янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Буларни ҳал этишда сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДПнинг алоҳида ўрни бўлиши керак. Партиямизнинг ҳамкор ташкилотлар билан бирга бу борадаги лойиҳаларни кўламини кенгайтириш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар нимани аниқлатади? Бу, аввало, мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодий-тимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради. Бу жараёнларда, албатта, сиз ёшларнинг ҳам алоҳида ҳиссангиз ва ўрнингиз бўлиши бор.

— Ҳар бир одам ўқиб-изланишни, ўз ижодий қобилиятини рўёбга чиқаришни, оиласи тўқислигини таъмин-



лашни истади, — деди Жисмоний тарбия институтининг «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири Жаҳонгир Ганиев. — Мана шундай соғлом фикрли ўғил-қизларни вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни, таъсири катта. «Соғлом бола йили»нинг мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизда, аниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини жонлантириш, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиздир.

— Президентимиз байрам тадбирида биз таянчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш

болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қараши келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътибор ифодаси деб биламиз, дея таъкидлаганида юрагим фахр-ифтихорига тўлди, — дейди Жисмоний тарбия институти талабаси Сарвар Сафоев. — Президентимиз илгари сурган ғояларни амалга ошириш учун биз, аввало, яхши мутахассис, яхши мураббий, яхши спортчи бўлиб етишишимиз керак. Шундагина билдирилган бу юксак ишонччи оқлашга эришамиз.

Гулрух ОДАШБЕКОВА,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

# Коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш

аҳоли турмуш шароити янада яхшилланишини таъминлайди



ЎзХДП Кашқадарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига жорий йилнинг ўтган даврида тушган муҳожирларнинг аксарияти айнан коммунал соҳага оиддир. Партия фаоллари ва депутатлар аҳоли муҳожирлари орқали жойлардаги муаммолардан хабардор бўлиб, уларни бартараф этишга доир тақлифларни доимий комиссия йиғилишлари ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқишмоқда. Бу бевосита партия Сайловолди дастури ижросига хизмат қила-япти.

Мурод МУКИМОВ,  
халқ депутати  
Касби туман Кенгашидаги  
ЎзХДП депутатлик  
гурухи аъзоси:

— Партиямиз Дастурида қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис депутатлик гуруҳимиз туманда бу борада амалга оширилаётган ишларни аҳолига таъминлаш ишларини янада яхшилашга қаратилган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича депутатлик назорати кучайтирилди. Камчиликларга тегишли ташкилотлар эътиборини қаратаётимиз.

Жорий йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган туман Кенгаши сессиясида ҳудудий

дастурлар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, мавжуд муаммолар чўқур таҳлил этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унда туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларини янада яхшилаш, камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чоралар белгиланди.

Тоза ичимлик суви соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис партиямиз депутатлик гуруҳи ичимлик суви объектларида қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш, тизимга ажратилган маблағларнинг тўғри ва мақсадли сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатиш талаб этилади.

Абдуали ХОЛОВ,  
ЎзХДП Касби туман  
кенгаши раиси, халқ  
депутатлари туман  
Кенгашидаги депутатлик  
гурухи раҳбари:

— Туманимизнинг чекка қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти, бу борада қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Партиямиз депутатлик гуруҳи ташаббуси билан олиб борилган назорат-таҳлил ишларида маълум бўлишича, туманда жами 300 километрдан ортиқ ма-софага сув қувурлари тортилган. Бу эса аҳолини тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш имконини бер-майди.

Бугунги кунда туман бўйича 1500 та сув олиш нукталари мавжуд. Уларнинг айримлари давлат стандартларига мослаштирилиши лозим. Сув қувурларига тегишли рухсатномага эга бўлмасдан уланishi ҳоллари учра-моқда. Бу каби камчиликларнинг бартараф этилиши тарғибот-таҳлил ишларини кучайтиришга ҳам боғлиқ. Шунинг учун маҳаллаларда, аҳоли орасида маълум ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда мақсадли тадбирлар ўтказишимиз лозим.

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг шу йил май ойида бўлиб ўтган сессиясида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ички йўллар аҳоли, уларни таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди, хато ва камчиликлар чўқур таҳлил этилди.

Рашид МУРТАЗОЕВ,  
ЎзХДП Қарши шаҳар  
кенгаши раиси, халқ  
депутатлари шаҳар  
Кенгашидаги депутатлик  
гурухи раиси:

— ЎзХДП Сайловолди дастурида уй-жой ҳўжалиги, замонавий йўл ва коммуникация тармоқлари барпо этишга алоҳида эътибор берилганини инобатга олсак, ма-саланинг партия ташкилот-лари ва депутатлик гуруҳ-лари учун нақадар муҳим экани ойдинлашади. Шун-дан келиб чиқиб, бу борада назорат-таҳлил ишлари олиб бораётимиз.

Маълум бўлишича, шаҳар-

да ички йўллар 546 кило-метри ташкил этади. Қарши шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига жорий йил бюджет маблағлари ҳисо-бидан ички йўлларни таъ-мирлаш учун 301,165 мил-лион сўм ажратилган бўлиб, 20 та кўчанинг 9,8 километ-рида жорий таъмирлаш иш-лари олиб борилган.

Йилнинг биринчи ярмида қўшимча маблағлар ҳисоби-дан шаҳардаги «Мустақил-лик» ва «Ўзбекистон» шўх кў-чалари ҳамда «Насаф» кўча-си таъмирланди.

Тўғри, ҳудудимиздаги йўл-ларни таъмирлаш, янги йўл-лар қуриш бўйича қатор қи-йиҳалар амалга оширилмоқ-да. Аммо камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, сессия-да ички йўлларни сақлаш ва таъмирлаш ишлари қоникар-сиз аҳволда экани, бу бора-да аниқ режа ишлаб чиқил-магани айтиб ўтилган эди. Ҳозирда депутатлик гуруҳи-миз сессия қарори асосида ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ ишлар бажарилиши бўйича депутатлик назоратини кучайтирган.

Маълумки, бугун бутун дунё-да маиший ва саноат чиқин-дилари йилдан йилга кўпа-йиб бораёпти. Бу бевосита экологик барқарорликка ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Мазкур йўналишдаги муаммоларни олдини олиш мақсадида мам-лакатимизда «Чикиндилар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Қарши шаҳар Кен-гашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи мазкур қонун ижроси-ни ўрганиб, унинг натижа-ларини сессия муҳокамаси-га тақдим этди.

Илхом ОМОНОВ,  
халқ депутатлари  
Қарши шаҳар Кенгаши-даги ЎзХДП депутатлик  
гурухи аъзоси:

— Таҳлилларга кўра, ша-ҳар чиқиндиларига бир кунда қарийб 180 тонна чи-қинди ташланади. Чикинди-ларни вақтинча сақлаш учун 2011-2012 йилларда 27 та махсус жой қурилган. Жо-рий йилнинг бошида шаҳар Ободонлаштириш бошқар-масига қўшимча маблағ аж-ратилиб, лизинг асосида 20 та трактор сотиб олинди. Аммо чиқиндиларни за-

рарсизлантириш, атроф-му-ҳитга салбий таъсирини ол-дини олиш, шунингдек, чи-қиндиларни утилизация қи-лиш, зарарсизлантириш ма-саласида ечимини кутаётган муаммолар бор.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат-ларга мувофиқ, чиқиндилар махсус дорир воситалари ор-қали зарарсизлантирилган-дан кейин 25 сантиметр қалинликда туПРОҚ билан қўйилиши зарур. Лекин бу ишлар қўнгилдагидек ташкил этилмаяпти. Бунинг сабабларини ўрганганимизда, мах-сус техникаларнинг етиш-маслиги маълум бўлди. Уму-ман олганда, ҳудудларда чи-қиндиларни йиғиш, ташиш, ажратиш ҳамда қайта ишлаш бўйича замонавий техноло-гияларни жорий этишга кат-та эҳтиёж сезилимоқда.

Сессияда тизимдаги хато ва камчиликлар атрофлиқа таҳлил этилиб, депутатлик гуруҳимиз аъзолари уларни бартараф этишга доир тақ-лифлар беришди.

Депутатларнинг қайд эти-шича, «Чикиндилар тўғриси-да»ги қонун ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини изчил олиб бо-риш зарур. Фуқароларда қонун ижросига ҳурмат ва масъулият туйғусини оши-риш учун тарғибот ишлари-ни тизимли йўлга қўйиш му-ҳим аҳамият касб этади.

Демак, ҳудудларда аҳоли-га кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини оши-риш, замонавий йўл ва ком-муникация тармоқларини қарор топтириш бўйича қи-линадиган ишлар оз эмас. Назаримизда, маҳаллий дав-лат ҳўкммати ва жамоат таш-килотлари ҳамжихатлигини йўлга қўйиш орқали бу бора-даги муаммоларни бартара-ф этиш мумкин. Маҳал-лий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзо-лари партия Сайловолди дасту-ри билан узвий боғлиқ бу масалаларга алоҳида эъти-бор қаратиб, янада фаол иш олиб бориши талаб этилади. Бу аҳолига қулай шароит яра-тишга, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-лашга хизмат қилади.

Лазиза ШЕРОВА,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар ўз Дас-турларига асосланиб, жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан аниқ ва қатъий позициясини билдириши, энг муҳими, уни ҳимоя қилиши, амалга ошириши учун зарур ҳуқуқий асос яратиб берилди.

# Кўппартияли тизимнинг мустақамланиши

демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади

Муносабат

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳаларда балки, сиёсий ҳаётда ҳам кат-та ўзгаришлар рўй берди. Ху-сусан, кўппартиялилик тамо-йилини мустақамлаш йўлида-ги ислохотларни алоҳида таъ-кидлаш керак. Бу ҳақда гап кетганда, аввало, мамлака-тимизда кўппартияли тизим шакл-ланиши ва ривожланиши учун мустақам ҳуқуқий асос 1992 йилда, Конституциямиз қабул қилиниши билан яратилгани-ни эслаш жоиз. Кейинчалик сиё-сий партиялар фаолиятини тар-тибга солидиган, жамият ҳаё-тидаги ўрнини кучайтиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Ай-ниқса, кўппартияли тизимнинг шаклланишида 1996 йил қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун муҳим ўрин-тутди. Унда сиёсий партиялар демократик қоидалар асосида фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар белгиланди. 2004 йилда қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун эса юрти-мизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг сайловларда тенглик асосида иштирок эти-шига шароит яратиб, уларнинг ваколатлари ва имкониятлари-ни янада кенгайтди.

Албатта, ҳар қандай жараён ҳаётдан келиб чиқиб, маълум бир ўзгаришларга эҳтиёж се-зади. Шу маънода айтиш мум-кинки, 2008 йилдан кучга кир-ган «Давлат бошқарувини ян-гилаш ва янада демократлаш-тириш ҳамда мамлакатини мо-дернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучай-тириш тўғрисида»ги Конститу-циявий қонун кўппартияли ти-зим ривожини янги босқичга олиб чиқди. Давлатимиз раҳ-бари илгари сурган Концеп-ция ғоялари асосида Консти-туциямизга киритилган ўзгар-тиш ва қўшимчалар эса маз-мун-моҳиятига кўра, давлат бошқарувини янада демократ-лаштиришда сиёсий партия-ларнинг ўрнини мустақам-лашга, бу борадаги ваколат-ларини кенгайтиришга қара-тилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, эндиликда, Ўзе-бистон Республикаси Бош ва-зири номзоди Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сай-ловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутат-лик ўринларини қўлга кирит-ган бир неча сиёсий партия-лар томонидан тақлиф этила-диган бўлди. Бу меъёр халқ-аро тажрибага ҳар жиҳатдан мувофиқлигини алоҳида таъ-кидлаш жоиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг регламентига киритилган тегишли ўзгариш ва қўшимчалар парламент қўйи палатасида қарорлар қабул қилиш жараёнида депутат-лар ҳамда фракцияларнинг роли янада ошишида долзарб аҳамиятга эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, мам-лакатимизда сиёсий партия-лар ўз Дастурларига асосла-ниб, жамият олдида турган му-аммоларни ҳал қилиш юзаси-дан аниқ ва қатъий позиция-сини билдириши, энг муҳими, уни ҳимоя қилиши, амалга оши-риши учун зарур ҳуқуқий асос яратиб берилди.

Бу йўналишдаги ислохотлар муваффақият билан янада из-чил давом этиши, юртимиз та-раққиётида қай даражада са-мара кўрсатиши энди кўп жи-ҳатдан сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик корпусла-ри фаолияти кучайишига боғ-лиқ бўлиб турибди. Шунинг учун партияимизнинг барча да-ражадаги ташкилотлари ана шу масъулиятни чуқур ҳис эт-ган ҳолда, ташаббус кўрсати-ши, амалий натижалар учун ҳаракат қилиши зарур.

Менимча, бу ўринда пар-тияимизнинг ҳар бир аъзоси, депутатлар ўз фаолияти ор-қали давлат ва жамият қури-лишининг асосий масалала-рини ҳал қилишдек аҳамият-ли, таъбир жоиз бўлса, тари-хий жараёнда иштирок эта-ётганини унутмаслиги лозим. Демократик ислохотларнинг бошқарувини янада демократ-лаштиришда сиёсий партия-ларнинг ўрнини мустақам-лашга, бу борадаги ваколат-ларини кенгайтиришга қара-тилгани билан аҳамиятлидир.

Тўра НОРБОВЕ,  
ЎзХДП Марказий Кенгаши  
эксперт гуруҳи  
аъзоси.

# Тарғибот ишларида мунтазамлик муҳим аҳамиятга эга

«Истиқбол» ёшлар қаноти Андижон вилоят бўлими томонидан Пахтабод туманида шу масалага бағишланган тадбир ўтказилди.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

Унда маҳаллий Кенгаш де-путатлари, туман партия ке-нгаши фаоллари, маънавият-тарғибот маркази ходимлари, қанот етакчилари ва аъзола-ри иштирок этди.

Давра суҳбатда инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, ай-ниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли хавф-хатар-лар тобора кучайиб бораёт-ган ҳозирги шароитда уларни она-юртга муҳаббат ва садо-қат руҳида тарбиялаш ғоятда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тадбирда «Оммавий мада-ният»нинг ёшлар онгига таъ-сири», «Ёшларнинг кийиниш маданияти», «Ота-онанинг фар-

занд олдидаги бурчи», «Ёшлар тарбиясида маҳалланинг ўр-ни» мавзуларида маърузалар тингилди, фикр алмашилди.

«Истиқбол» ёшлар қаноти-нинг тарғибот-ташвиқот йў-налишидаги фаолиятини ку-чайтириш, олис туман ва ма-ҳаллаларда ёшларнинг сиё-сий-ҳуқуқий билими ҳамда фаоллигини оширишга қара-тилган тадбирлар мунта-зам ўтказиб бориш, бу бора-да ижтимоий ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш бўйи-ча галдаги вазифалар бел-гилаб олинди.

Сардор ҚОСИМОВ,  
«Истиқбол» ёшлар қаноти  
Андижон вилоят  
бўлими етакчиси.

# Янги йил байрами тинч ва осойишта ўтади

Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорлик барча соҳалардаги улкан ютуқларимиз, халқимиз фаровонлигининг тобора юксалиши, амалга оширилаётган изчил ишларнинг юксак самараларида муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида тинчлик ва осойишталикни, ўзаро аҳилликни, жамоат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда мамлакатимизда Янги йил байрамини юқори савида ва мазмунли нишонлаш, байрам тадбирларини ҳамжиҳатлик билан ўтказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**ЎЗАМУХБИРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ПОЛКОВНИК РАҲМАТ МАМАТОВ БИЛАН БУ БОРАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА СУҲБАТЛАШДИ.**

— Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўйбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади, — дейди Р.Маматов. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимизда қарор топган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили янада мустаҳкамланиб бораётди. Демократик ҳуқуқий давлат асосларининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этиши, фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларининг кучайиши ва амалда таъминланишида муҳим омил бўлмоқда. Шу боис тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, осуда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, балки ўзини шу муқаддас замин фарзанди деб билган ҳар бир фуқароннинг муҳим бурни эканини юртдошларимиз чуқур англайди.

Янги йил байрами шукуҳи кезаётган шаҳар ва қишлоқларимиздаги, хонадонларимиздаги хотиржамлик ва кўтаринки кайфиятни кўриб, кўз қувонади. Зотан, осойишта ҳаёт, аввало, бу одамлар ўзаро аҳил-иноқ яшаб, яхши кўнларини баҳамжият ўтказишидир.

Тинч, осойишта, обод ва фаровон ҳаётни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ободлик деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, фойз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади. Ҳаётимиздаги ҳар бир улкан воқеа юртимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Жумладан, Президент арчаси, Янги йил байрами тадбирларининг юқори савияда, муносиб ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур режага мувофиқ айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар, барча шаҳар ва туманлар марказларида,

қишлоқ ва маҳаллаларда, байрам тантаналари ўтадиган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда.

Демократик жамиятни шакллантириш жараёнида ҳар бир мамлакат ўзининг шарт-шароитини, халқининг азалий урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, тарихи ва менталитетини ҳисобга олиб иш юритиши табиий ҳол. Шу маънода, ўзини ўзи бошқариш институтининг ноёб шакли бўлиши маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, мамлакатимизни демократик янгиллашга қаратилган ишловларни чуқурлаштириш жараёнида, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғини мавжуд. Тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик аввало оиладан, маҳалладан бошланади. Шуни эътиборга олинган ҳолда, ҳар бир қишлоқ, овул, кўрғон ва маҳаллада ички ишлар идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла побонлари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, таълим-тарбия соҳаси вакиллари иштирокида аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи урғулар, маърифий тадбирлар ўтказилаётди. Зотан, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг чегара ҳудудларида ички ишлар идоралари ходимларининг хизмати кучайтирилган тартибда олиб борилиши йўлга қўйилди. Шаҳарлар ва туманлар марказларида ички ишлар идоралари ходимлари ва маҳалла посбонларидан иборат патруль гуруҳларининг ҳушёрлиги ва фаоллиги янада оширилди.

Ички ишлар идораларининг муҳим вазифаларидан бири бўлган фуқароларнинг паспорт-виза қоидаларига амал қилишини таъминлаш борасида фуқароларни доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаш ҳолатларини аниқлаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимиз ҳудудига бўлиш қоидаларига амал қилиши алоҳида назоратга олинган.

Байрамни тинч ва осуда ўтказиш учун жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни янада кучайтириш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ижобий профилактика таъсир кўрсатиш мақсадида «Тозалаш — антитеррор» тезкор-профилактик тадбирлари ўтказилмоқда. Бундай тадбирларда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилгани қўл келмоқда. Профилактик ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллалар, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларда ноҳус ҳолатларнинг юзга келишига йўл қўймаслик мақсадида маҳаллий ҳокимликлар қошидаги оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича махсус комиссиялар аъзоларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, байрам би-

лан боғлиқ барча объектларнинг техник ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва транспорт воситалари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда. Байрам иштирокчиларини белгиланган манзилларга олиб бориш, олиб келиш ва кузатишга жалб этиладиган автотранспорт воситаларининг техник ҳолати текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

Транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш, айниқса, чорраҳаларда тирбандликлар юзга келишига йўл қўймаслик мақсадида тегишли идоралар билан биргаликда йўл белгилари, шу жумладан, светофорларнинг техник ҳолати ўрганилиб, носозлари маъмуриятга алмаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 15 декабрдан — 2014 йил 15 январгача ўтказиладиган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

**— Янги йил байрами тадбирлари жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётди. Юксак малага ва замонавий техникага эга давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилмоқда. Янги йил байрамини ёнғин билан боғлиқ турли кўнгилсизликларсиз ўтказиш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Аҳоли пунктлари, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари янада кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига биноан ўтказилаётган Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида корхона, ташкилотлар, маҳаллалар, ўқув муассасаларида семинарлар, учрашувлар ташкил этилди. Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари томонидан аҳоли, айниқса, болалар ва ўсимирлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш-тартибот ишлари олиб борилди.

Корхона ва ташкилотларда ўтказилган назорат текширувлари натижасида шу кунгача ёнғин чиқиш хавфи бўлган қариб бир ярим мингга яқин иншоот, цех ва омборларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 11 минг 600 дан зиёд носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди. Ёнғин хавфсизлиги талабларини қўпол равишда бузган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди. Хонадонлар ва кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ушбу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида ёнғинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 256 тага камайди. Бу ёнғин хавфсизлигига оид қоидаларга амал қилиш ҳаёт тарзимидаги тобора чуқурроқ кириб бораётганининг яна бир далилидир.

— Пиротехника воситаларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқадиган кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Таъкидлаш кераки, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалар, масалан, порохдан тайёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнғин чиқиши нуқтаи назаридан хавфли бўюмлар тоифасига киради. Миллий ва халқаро таснифга мувофиқ, пиротехника бўюмлари биринчи тоифага мансуб портловчи материаллар ва бўюмларнинг алоҳида тоифаларига киритилган.

Мамлакатимизда портловчи ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, ташини, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш ишлари тизимли асосда амалга оширилаётди. «Пиротехника бўюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташини, сақлаш, сотиш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг қонунга хилоф равишда муомаллада бўлиши ва ишлатилишининг олдини олиш, пиротехника воситаларини қўллаган ҳолда маданий-томоша тадбирларини ўтказишда хавфсизлик чораларини кучайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу қонун пиротехника бўюмларининг ноқонуний айланиши ва улардан қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган давлат назоратини самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга турли маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларига риоя этишни таъминлашга хизмат қилаётди.

Афсуски, пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда мамлакатимизга олиб кириш, сотиш ва фойдаланиш ҳолатлари, кам бўлса-да, ҳамон учраб турибди. Шу боис ички ишлар, солиқ идоралари, божхона қўмитаси ва жамоатчилик вакилларидан иборат махсус гуруҳлар иштирокида мамлакатимиз ҳудудидида пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилмоқда. Бу жараёнда чегара ҳудудларда ҳаракатланаётган автомашина ва йўловчилар, чегаралар яқинида жойлашган дўкон ва савдо расталари, хонадон ва иншоотлар текширувдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда пиротехника воситаларини қўли қилишига мустаҳкам қонуний тўсиқ қўйилган. Амалга оширилаётган бундай қатъий чора-тадбирлар халқимизнинг саломатлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу ишга муносиб ҳисса қўшим эса барчамизнинг бурчимиздир.

Янги йил байрамини юқори савияда ўтишини таъминлашга тайёргарлик ишлари қизиган бораётган шу кунларда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига эътиборини янада кучайтириш, турли ноҳус ҳодисаларга йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган ишлардан қўзланган мақсад хонадонлар, маҳаллалар, шаҳар ва қишлоқларимизда байрамни тинч-осойишта, кўтаринки кайфиятда ўтишини таъминлашдир. Бу олижаноб мақсад наники ички ишлар ходимлари, айни чоғда ҳар бир юртдошимиздан янада ҳушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжиҳат бўлишни талаб қилади. Зеро, ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлиш нафақат байрамлар шукуҳини, балки кундалик турмушимиз файзу баракасини ҳам оширади.

**ЎЗАМУХБИРИ  
БЕҲЗОД НОРОБОВ  
СУҲБАТЛАШДИ.**



## Қўпол муомала



### қимматга тушади

Хушмуомалаликни ёқтирмайдиган халқ бўлмаса керак. Бироқ французлар бу борада ажралиб туради. Бунни Ницца шаҳридаги «Petite Syrah» кафеида хушмуомалалик тарғиботи юзасидан амалий сайёҳаракатга қўл урилганидан ҳам билса бўлади.

Гап шундаки, «The Local» нашрида эълон қилинган хабарда қайд этилишича, кафе-

га кираверишда янгича «прейскурант» осиб қўйилган. Унга биноан қимми муомалани «Ассалом»дан бошласа, арзон нархда қаҳва ичиши мумкин. Яъни мижоз «Ассалому алайкум, қаҳва ичмоқчи-қийди» деб ўта хушмуомалалик билан илтимос қилса, битта қаҳва 1,40 еврога тушади. Агар мижоз кафега кириб «Битта қаҳва» деб буюртма берса, бу 7 еврога нархланади. «Битта қаҳва, илтимос» деб мурожаат қилса, ундан 4,25 евро пул ундирилади.

Дарвоқе, Исроилда ҳам бир ресторан соҳиб 70 фоизлик чегирма жорий этган. Қимми ресторанга мобил телефони учиб кирса, унга чегирма билан хизмат кўрсатилади.

## Газета мутлааси



### дарслар қаторига киритилади

2016 йилдан эътиборан Москва шаҳридаги мактабларда ўқитиладиган фанлар яна биттага қўянади.

Москва шаҳар оммавий ахборот воситалари ва реклама департаменти раҳбарининг ўринбосари Юлия Казакова-

нинг матбуотга берган интервьюсида айтилишича, дейилади «Дети Mail.Ru» сайтидаги ахборотда, пойтахт ўқувчилари дарслари 2016 йилдан «Газета ўқиш» дари билан яна биттага бойитилади. Мазкур янги лойиҳа шаҳарнинг 7 та маъмурий округидаги 130 дан ортиқ мактабда сентябрдан буюн таъриб тарихидаги муваффақиятли амалга оширилмоқда. 2016 йилдан эса бу янгилик шаҳардаги барча мактабларга жорий этилади.

Мақсад ёш авлодда газета ва журнал ўқишга иштиёқ ҳосил қилиш билан бирга, ахборотни қабул қилиш, мушоҳада юритиш, таҳлил этиш сингари қўнимчаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

## Косметик маҳсулотлар

### зарарсизлантирилиши ваъда қилинганди

Косметик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи «Environmental Defence», «Procter & Gamble», «Johnson & Johnson», «Unilever», «Estee Lauder» ҳамда «L'Oreal» сингари дунёнинг йирик компаниялари ўз маҳсулотлари — шампун, терини юмшатувчи воситалар, пасталар, дезодорантлар ва бошқа шунга ўхшаш турли суртмалар таркибидаги организм учун зарарли бўлган компонент ва ингредиентларни бартараф этиш ҳақида ваъда берган эди, дея хабар беради «The Vancouver Sun» нашри.

Масалан, «Procter & Gamble» компанияси сентябрь ойида ўз маҳсулотлари таркибидан триклозан

ҳамда фталат, «Johnson & Johnson» компанияси эса 2012 йили фталат, триклозан, формальдегид ва парабен сингари моддаларни умуман олиб ташлашни ваъда қилган эди. Ва юқорида санаб ўтилган барча компаниялар бу борада ўз зиммаларига мажбурият олган эди.

Бироқ яқинда ўтказилган қайта таҳлиллар ваъда ваъдалигича қолганини исботлади. Таҳлилларда шу нарса аниқландики, ишлаб чиқарилаётган косметик маҳсулотлар таркибида ўнлаш токсик моддалар борлигини кўрсатди. Парабен, синтетик бўёқ, фталат, триклозан, лаурилсульфат натрий, лауретсульфат натрий, формальдегид, толуол, пропиленгликоль сингари моддалар шулар жумласидандир.

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШСА,

янги иш ўринлари янада кўпроқ яратилади

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси муҳим ўрин тутаяди. Корхона маҳсулотларининг наинки ички бозорда, балки жаҳон бозорида ҳам муносиб ўрин эгаллаши эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга имкон беради.

Бизнинг Ўзбекистон — Британия «ASKLEPIY-SVIFT» қўшма корхонамизда импорту ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган 60 турдан зиёд тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Хусусан, «White GOLD» ёрлиги туширилган стерил халлол жаррохлик кийимлари, турли хил тиббий бинт, пахта, сальфетка каби маҳсулотларимиз истеъмолчилар ва ҳамкорларимизга яхши маълум.

Улар ўзимизнинг сифатли хомашдан янги технологиялар ёрдамида тайёрланмоқда. Кейинги вақтда рақобатбардор маҳсулотларимизни МДХ мамлакатларига экспорт қилишни кенгайтириш борасида изчил ишлар олиб бормоқдамиз. Бу борада бизга Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш

жамғармаси томонидан амалий қўмак кўрсатилмоқда. Унинг ёрдамида хорижий ҳамкорларни топиш, маҳсулотларимиз ҳақида кенг маълумотлар тарқатиш имкониятига эга бўлмоқдамиз. Бунинг самараси ўларок Россия ва бошқа МДХ давлатлари компаниялари билан умумий қиймати 700 минг АҚШ долларидан ортиқроқ бўлган экспорт шартномаларини тузишга эришдик. Бунда жамғарма томонидан ҳуқуқий-ташқилий ва молиявий қўмак кўрсатилганини таъкидлашни истардим. Бундан ташқари, жамғарма экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур хомаш сочи олиш учун етарли даражада молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

**Рашид АВЕЗОВ,  
«ASKLEPIY-SVIFT» қўшма  
корхонаси директори.**

### Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 9, 16, 23, 30 январь ва 6 февраль кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади

Оммавий оферта савдоларига «AGROBANK» очиқ акциядорлик тижорат банкининг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:

Реклама

| № | Устав фондидаги улуши сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг               |                                                                                                                                                                                                                                                                                              | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси, Сўм |
|---|--------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------|
|   |                                                                                      | Манзили                                                            | Асосий фаолият йўналиши                                                                                                                                                                                                                                                                      |                                                    |
| 1 | «PARKENT CHORVASI» МЧЖ                                                               | Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Паркент» ҚФЙ, Қуйилма участкаси. | Жамият уставига қорва молларини қўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш, шунингдек, қонун билан таъқилланган бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланиш белгиланган | 2 417 248 000                                      |

#### Оммавий оферта шартлари:

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), оммавий оферта савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссия тоўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оммавий оферта савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари ло-

зим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайди-

ган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақалари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан

бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан савдога қўйилаётган улуш бошланғич нархининг 15 фоизи микдоридида закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўланиши шарт.

Ушбу банк улуши сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истифода бўлган талабгорлар, унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Махжислар зали).

**Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари:**

**Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Мўминий кўчаси, 43-уй; телефон: 150-85-23, 277-42-44; телефакс: 150-53-95.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

**Гувоҳнома № 00535**

## Фарзандларимиз биздан кўра БИЛИМЛИ



## КУЧЛИ



## ДОНО



## ва албатта, БАХТЛИ



## бўлишлари шарт!

Президентимиз Ислам Каримовнинг бу юксак орзуси ҳаётда ўз ифодасини топаётганини ҳар қадамда кўриб турибмиз. Соғлом бола йилида бу эзгу ишлар янада юксалади, кенг қанот ёзади.

## Жаҳон чемпионатида

Ўзбекистонлик полвонлар умумжамоа ҳисобида иккита олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медалини қўлга киритди

Истанбул (Туркия)да кураш бўйича катталар ўртасида IX жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда дунёнинг элликдан зиёд давлатидан келган уч юз нафар полвон голиблик учун гиламга чиқди.

Мусобақанинг дастлабки кунда аёллар тўрт вазн тоифасида беллашди. Бахсларда муносиб иштирок этган ҳамюртларимиздан Шохид Назарова (57 кг) кумуш, Нодира Гулова (48 кг) бронза медаллари билан тақдирланди.

Чемпионатнинг биринчи кунда эркеклар ўртасида уч вазн тоифасида кучлилар аниқланди. Унда майдонга тушган уч курашчимиздан икки нафари голиб бўлди. Финалгача барча рақибларини енгган Сухроб Худойбердиев (66 кг) хал қилувчи беллашувда тожикистонлик Исмоил Боймуродовни мағлубиятга учратиб, Ўзбекистон тарма жамоаси ҳисобида илк олтин медалини тақдим этди. Полвонларимиздан яна бири Фаёз Файзуллоев (73 кг) финалда грузиялик Алика Наниевини енгиб, шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Беллашувларнинг иккинчи кун ҳам курашчиларимиз учун муваффақиятли кечди. Унда аёллар ўртасида гиламга чиққан спортчиларимиздан Мафтуна Эсонова (78 кг) кумуш, Дифуза Темирова (+87 кг) бронза медалига сазовор бўлди.

Эркеклар ўртасида яна тўртта вазн тоифасида бахслар давом эттирилган бўлса, унда Бектош Сафаров (81

кг), шохсупанинг фахрли иккинчи поғонасидан ўрин эгаллади. Энг оғир вазн тоифасида гиламга тушган Мухсин Хисомидинов (+100 кг) эса бронза медали билан қифояланди. Зафар Бўриев (90 кг) ҳам мусобақа шохсупанининг учинчи поғонасидан жой олди.

Жаҳон чемпионатида жами 15 та медаллар жамланмаса учун мурасасиз беллашувлар ўтказилган бўлса, якунда Ўзбекистон полвонлари умумжамоа ҳисобида иккита олтин, тўртта кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритдилар.

Шунингдек, IX жаҳон чемпионати доирасида Кураш халқаро ассоциацияси (ИКА) Ижроия кўмитасининг навбатдаги йиғилиши ҳамда XIV Конгресси бўлиб ўтди. Уларда беш қитъа Конфедерациялари раҳбарлари ўз минтақаларида амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳисобот берди. ИКАнинг 2014-2016 йилларга мўлжалланган тақвим-режалари тасдиқланди.

Кувонарлиси, халқаро майдонда нуфузи тобора ортиб бораётган кураш илк маротаба соҳил (пляж) спорт турлари бўйича ўтказиладиган IV Осиё ўйинлари дастуридан расман жой олганлиги эълон қилинди. Мазкур нуфузли мусобақа 2014 йилнинг ноябрида Таиланднинг Пхукети



шаҳрида уюштирилади. Унда полвонлар кураш бўйича бешта вазн тоифасида медаллар учун беллашадилар.

Эркин ХОЛБОВО,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Гимнастика барча учун

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида анъанавий «Гимнастика барча учун» мамлакат чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Гимнастика федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада тўрт юз нафарга яқин қатнашчи ўз маҳоратини намойиш қилди.

Спорт

Икки кун давом этган мусобақада иштирокчилар композиция, ижро маҳорати, рақс ва гимнастика элементларини бажариш қобилияти бўйича баҳоланди.

Мусобақада жами 24 жамоа ўз маҳоратини намойиш этди. Ангрен шаҳрининг «Шанс» гуруҳи аъзолари бош совринга сазовор бўлди. Шунингдек, Фарғона, Зарафшон, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Жиззах, Бухоро жамоалари «Энг чиройли рақс», «Энг чиройли тим-сол», «Энг гўзал бадий гимнастика элементлари учун» номинациялари бўйича голибликни қўлга киритдилар.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,  
ЎЗДЖТУ талабаси.

## Тадбир

## Глобал муаммолар

ҳамжиҳатликда бартараф этилади

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ОИВ/ОИТСга қарши кураш мавзусида семинар-тренинг ўтказди.

Бугунги кунда ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) бутун жаҳон олимларининг диққат марказида турган глобал муаммолардан биридир. Бу касаллик тарқалишини олдини олиш мақсадида халқаро ташкилотлар бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 1 декабрь бутунжаҳон ОИТСга қарши курашиш кунидеб эълон қилинган.

Шу боис мамлакатимизда ҳам ОИВ/ОИТС тарқалишини олдини олиш учун кўплаб ишлар қилинмоқда. Хусусан, 2013 йил 23 сентябрда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши кураш тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилинди.

— ОИТСга қарши кураш олиб бораётган ташкилотлар иш самарадорлигини янада ошириш ҳамда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш бизнинг асосий мақсадимиз, — дейди Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори ўринбосари Ғулом Ражабов. — Қолаверса, бунга нафақат тиббиёт ва соҳа мутахассислари, балки бутун жамият масъулдир. 2013 йил 23 сентябрда кучга кирган Қонун

5 боб, 28 моддadan иборат бўлиб, унинг алоҳида кўрсатилган моддаларида Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари, ОИТСга қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси мажбурият ва ваколатлари ҳамда жамоат, халқаро ва нодавлат ташкилотларнинг иштироки белгиланган. Шунингдек, қонунда халқаро тажрибада кузатиладиган ютуқларни Ўзбекистонда ҳам амалга татиқ этиш масаласига алоҳида аҳамият берилган. Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, касалликка чалинган беморнинг мажбуриятлари, ваколатлари ва ижтимоий ҳимоясига ҳам эътибор қаратилган.

Маълумки, Ўзбекистонда 2006 йилдан ОИТСга қарши махсус даволаш курси йўлга қўйилди. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, марказлар моддий-техник базаси яхшиланди, замонавий асбоб-ускуналар, лаборатория хоналар керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Уларнинг ёрдамида касаллик эрта аниқланади ва шунга қараб муолажа белгиланади. Бундан ташқари, Республика ОИТСга қарши кураш марказида тиббиёт ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этилди. Ҳар йили бу ерда 2000 нафарга яқин мутахассис ўз билим ва малакасини оширади.

Альбина ЖУМАНОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## «Адолат — қонун устуворлигида»

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди республика ҳўжалик судлари тизимида олиб борилаётган суд-хуқуқ ислохотларини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган кўрик-танлов эълон қилади.

Танловга республика миқёсидаги газета ва журналларда суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларни ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг хуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришга

йўналтирилган мақолалар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар Олий ҳўжалик суди Матбуот қотибига таҳририят ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда учта ва ундан ортиқ мақола билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақолалар муаллифининг тўлиқ исми-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2014 йилнинг 1 январидан 15 декабргача чоп этилган мақолалар қабул қилинади. Танлов 25 декабрда якунланиб, голиблар матбуотда эълон қилинади.

Танлов голиблари:

1-ўрин учун Ўзбекистон Республи-

каси Олий ҳўжалик судининг 1-даражали дипломи ва 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдорида пул мукофоти;

2 та 2-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2-даражали дипломи ва 700 000 (етти юз минг) сўмдан, жами 1 400 000 сўм миқдорида пул мукофоти;

3 та 3-ўрин учун Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 3-даражали дипломи ва 500 000 сўмдан, жами 1 500 000 сўм пул мукофотлари билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил ва телефонлар: 100097, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Олий ҳўжалик суди биноси.

Телефон: 277-94-82, электрон почта press@oxs.uz

Сиз ҳаётда бир бор бўлса-да ёнғин ҳодисасини кўрганмисиз? Дейлик, кўшнингизни уйдан ёнғин чиқди. Бунга сиз бефарқ қарай олмай-сиз. Чунки у сизга жонажон кўшни. Ёнғин ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин, албатта моддий зарар кўрилади. Иккинчидан, ёнғингиздаги кўшни хонадон ёнади-ю сизнинг уйингизга ўтиб кетмайди, деб ким қафолат беради?

## Хавфсизлигингиз ўз қўлингизда

«101» ОҒОХАТНАРА

Кўриб турибдики, биргина сизнинг ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилишингиз тинч-осуда яшашингиз учун тўла асос бўла олмас экан. Доимий равишда ён-атрофингиздагиларни ҳам хушёрликка чақирингиз зарур.

Орамизда шундайлар борки, ёнғин хавфсизлиги қондаларига бепасанд қарайди. Бу жуда қимматга тушибди мумкин.

Чилонзор тумани 7-даҳада истиқомат қилувчи 1960 йилда туғилган К.Пакининг хонадонидида содир бўлган ёнғинга электр пайвандлаш ишларида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик сабаб бўлди. Пайвандлаш ишларини бажараётганда хавфсизлик қондаларини кўпол равишда бузган одам бу — уй эгасининг ўзи. Минг афсуски, ёнғин унинг умрига зомин бўлди.

Халқимизда чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган мақол бор. Электр энергия тизимида ёки табиий газ билан боғлиқ носозлик сезангиз дарҳол мутахассисга мурожаат қилинг. Шундагина юқоридаги сингари фожиалар олди олинган бўлади.

Исломиддин САРСЕНОВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ  
12-ХЕХО 24-ХЕХК кичик  
инспектори.

ОБ-ХАВО 17-18 – 12. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти

-10 / -15 -2 / -7

Бухоро ва Навоий вилоятлари

-10 / -15 -2 / -7

Тошкент, Самарқанд, Жиззах

ҳамда Сирдарё вилоятлари

-5 / -8 -2 / +2

Қашқадарё ҳамда

Сурхондарё вилоятлари

-4 / -7 0 / +3

Андижон, Наманган ҳамда

Фарғона вилоятлари

0 / -5 -2 / +3

Тошкент шаҳри

-5 / -7 0 / -2

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +9 / +10

Париж +9 / +10

Москва 0 / -4

Кейптаун +16 / +26

Қоҳира +6 / +11

Гавана +21 / +28

Вашингтон -6 / +4

Ўзбекистон ХДП  
Шайхонтоҳур туман  
кенгаши 1 донa кўп  
функционаллий принтер  
сотиб олишини эълон  
қилади. Мурожаатлар 3 кун  
ичида қабул қилинади.  
Манзил: Тошкент шаҳар,  
Навоий кўчаси, 14-уй.  
Тел: 241-06-04.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV  
Hotamjon KETMONOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Rustam KAMILOV  
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek  
MUSTAFOYEV  
Muslihidin  
MUHIDDINOV  
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV  
Farroh HAMROYEV  
(Bosh muharrir bilirchi o'rinbosari)  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;  
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoa-hillik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;  
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;  
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida 0006-raqam bilan  
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1246

10247

nusxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

4772010763004

1 2 3 4